

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИДА ТАРИХИЙ МАНБАЛАРНИНГ РОЛИ:
XI-XVI АСРГА ОИД АСАРЛАР МИСОЛИДА**

Бойназарова Нигора Исмоиловна

Фил.ф.ф.д., доцент (ТИМИ)

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек фольклоршунослиги терминологиясининг шаклланишида XI–XVI асрларга оид тарихий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти илмий асосда тадқиқ этилган. Мазкур давр асарлари — тарихий рисоалар, адабий-дидактик ёзма манбалар, луғатлар ва асарлар шарҳлари фольклор терминларининг илк қўлланилиши, семантик қамрови ва функционал хусусиятларини аниқлашда муҳим манба сифатида қаралади. Тадқиқот давомida XI–XVI аср муаллифлари асарларида учровчи “достон”, “мақол”, “афсона”, “ҳикоят”, “масал”, “ривоят”, “қўшиқ”, “маросим”, “олқиш”, “бадия” каби қатор фольклорий атамаларнинг қўлланиш хусусиятлари, тарихий семантикаси ҳамда уларнинг кейинги давр ўзбек адабий тилидаги тараққиёти изчил ёритилган.

Калит сўзлар. ўзбек фольклоршунослиги, фольклор терминологияси, тарихий манбалар, XI–XVI аср ёзма мероси.

Жаҳон тилшунослигида терминлар ҳар бир тилнинг ўзига хос ички имкониятларини намоён этувчи ҳамда унинг луғат таркибини бойитишга хизмат қилувчи муҳим механизм сифатида қатор тадқиқотчилар диққат марказида бўлиб келмоқда. Терминологиянинг шаклланиши ва ривожланиши нафақат тилнинг сўз яшаш имкониятларини белгилаб беради, балки шу тилнинг илмий, маданий ва ижтимоий салоҳиятини ҳам намоён этади. Шу жиҳатдан терминология ҳар қандай тилнинг умумий тараққиётида асосий омиллардан бири сифатида қаралади. Термин яратиш ва унинг тизимли қўлланилиши тилнинг ички қоидалари, миллий анъаналари, лексик-семантик йўналишлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, янги тушунчаларни ифода қилишда халқнинг дунёқараши, маданий мероси, этнопсихологияси ва маънавий қадриятларини акс эттиради. Айниқса, миллий-маданий бойлик ҳисобланган фольклор терминологияси бу жараёнда алоҳида ўрин тутди. Фольклор терминлари халқ оғзаки ижоди, қадимий дунёқараш, маросим, урф-одат ва анъаналарнинг тилдаги ифодаси сифатида халқнинг тарихий хотираси ва маънавий тафаккурини ёритиб беради.

Фольклор терминологиясининг ўрганилиши тил ва маданият ўртасидаги мураккаб ўзаро боғлиқликни очиб беришга, фольклорнинг жанрий системаси, таснифи, образлар тизими ва семантик қатламларини аниқроқ англашга ёрдам беради. Шу билан бирга, фольклор терминлари миллий тилнинг луғат таркибида юз берган лексик-семантик ўзгаришларни, грамматик қурилишдаги тарихий динамикани, янги маъно қатламларининг шаклланишини ўрганишда ишончли манба ҳисобланади. Хусусан, муайян халқнинг фольклор терминларини таҳлил қилиш орқали шу халқнинг тил тараққиёти босқичларида юз берган ўзига хос ўзгаришлар, миллий тилнинг шаклланиш жараёнлари, унинг семантик ривожланиш қонуниятлари ва сўз яратиш имкониятлари ҳақида мукаммал тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Фольклор терминлари нафақат тилнинг тарихий қатламларини ёритади, балки тилнинг имманент ривожланиш жараёнини, унинг маъно майдонидаги кенгайишни ва халқ тафаккурининг эволюциясини ҳам акс эттиради. Шунинг учун фольклор терминологиясини ўрганиш замонавий тилшунослик, махсус терминшунослик ва маданий мерос тадқиқотларининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг илмий-амалий аҳамияти жуда каттадир.

Маҳмуд Кошғарий “Девони луғатит-турк” асарини ёзишдан аввал у узоқ йиллар мобайнида туркий қабилалар истиқомат қиладиган барча вилоятларни кезиб чиққан ва бой лингвистик, фольклористик ва этнографик материалларни тўплаган. Олим шу сафарлари чоғида фақат луғат учун лисоний материаллар тўплаш билангина қифояланиб қолмасдан, балки фольклор намуналарини ҳам ёзиб олган. Буни олимнинг “мен ҳар бир қабилага мансуб сўзларнинг ясалиш хусусиятларини ва қандай қўлланилишини қисқача изоҳлаб кўрсатиш учун алоҳида йўл тутдим. Бу ишда мисол тариқасида туркийларнинг тилида қўлланилиб келинган шеърлардан, шодлик ва мотам кунларида қўлланиладиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим, токи улардан фойдаланувчилар нақл қилувчиларга, нақл қилувчилар эса ўз навбатида шу тилда сўзловчиларга етказсин⁵” деган қайдларида кўриш мумкин. Маҳмуд Кошғарий туркий қабилалар фольклорининг кўшиқ, мақол, матал, маросим фольклори, афсона, ривоят каби жанрларига оид катта материал тўплаган. Шунинг учун ҳам “Девони луғатит-турк” асаридаги фольклор материалларини ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди намуналари билан қиёсий ўрганиш фольклордаги илк илмий изланишлар дейиш мумкин. Фольклор намуналари тарихий тараққиётини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “Девони луғатит-турк” лексикасининг Ўзбек фольклоршунослигидаги кўринишларига доир илмий кузатишлар олиб борган

⁵ Кошғарий М. Девони луғати-т-турк. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.44.

Х.Зарифов 1961 йил 21 февралда қуйидагиларни ёзган эди: “Девон”даги лексик ва грамматик фактларни ўзбек тилига оид барча ёзма асарлар тили билан қиёсий текшириш қанчалик аҳамиятга эга бўлса, у қатламнинг Ўзбек фольклоршунослигида ва шеваларида мавжудлигини аниқлаш ҳам шунчалик муҳимдир⁶”.

Асарда бир қанча фольклор терминлари билан боғлиқ қайдлар мавжуд. Жумладан, “Девон луғатит-турк”да “яда тоши” термини билан боғлиқ мифологик тасаввурлар ҳам келтирилган. “Девон”нинг 3-жилди 8-саҳифасида қуйидагиларни ўқиймиз: “Яда – ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар билан фол очиш усулидир⁷”. “Девон” нинг 3-жилди 322-саҳифасида эса “ятлади” феълига “афсунчи ёмғир ёғдириш учун яда тоши билан дуо ўқитди” – деб изоҳ берилган. Асарда бу афсонавий тош ёрдамида табиатга таъсир ўтказиш маросими ҳақида тўхталади: “Бек ядачига дуо ўқитди. Шунинг учун шамол эси. Ёмғир ёғди. Бу ҳодиса турклар мамлакатада машҳурдир. Тош орқали шамол. ёмғир, совуқ қўзғотилади⁸”.

Ушбу термин Алишер Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” достонининг “Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблаи мақсуд” деб бошланадиган ғазалида:

Яда тошига қон етгач, ёгин ёғқондек эй соқий,

Ёғар ёмғурдек ашкини чун бўлур лаълинг шароб олд;

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сида:

Хожа Мулла Садри таърифлаб: “Толиби илмлиги бор эди. Луғатни хили билур эди, иншоси ҳам яхши эди. Қушчулугни ва ядачиликни ҳам билур эди” дея тилга олади⁹. Ушбу термин ўтган асрнинг ўрталаригача жонли сўзлашув тилида фаол қўлланган. Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асарида ҳам ўз аксини топган.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит-турк” асарида у ёки бу сўзлар маъносини изоҳлаш, шарҳлаш мақсадида келтирилган оғзаки насрий асарларни мифологик афсоналар, этногенетик афсона ва ривоятлар, топонимик афсона ва ривоятлар, халқ тақвими билан боғлиқ ривоятлар, нақлларга бўлиб тавсифлаш мумкин. “Девон”да “Худхур” (1-жилд, 135-бет), “Қаз” (3-жилд, 163-бет) каби топонимик ривоят номлари, “Чигил” (1-жилд, 374-бет), “Туркман” (3-жилд, 419-422-бетлар) сингари этногенетик ривоят номлари келтирилган. Шунингдек, ҳикматли сўз, саъжлар, мақол сингари фольклор терминлари тилга олинади. “Девон”даги паремиологик материаллар халқ мақоллариининг генетик илдизларини аниқлаш, мақол жанрининг келиб чиқиш

⁶ Зарифов Х. “Девони луғати-т-турк” лексикасининг ўзбек фолклорини кўринишига доир (тезислар) // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.96.

⁷ Қошғарий М. Девони луғати-т-турк. 3-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.8.

⁸ Қошғарий М. Девони луғати-т-турк. 2-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.410.

⁹ Эшонкулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. – Тошкент, 2018. – Б.12

тарихи ва тадрижий ривож боскичларини ўрганиш, мақолларнинг бадиий шакли ва мазмуний хусусиятларидаги ўзгаришларни тадқиқ этишда муҳим илмий қимматга эга.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида хотирлаш маросими маъносида *jov* – ёғ термини тилга олинади: *Bu Aj Toldini qildi oylı joı* – Бу Ойтўлдиннинг ўғли унинг хотирлаш маросимини қилди (QVK, 73₂).

Алишер Навоий ҳам ўз даври фольклорининг деярли барча жанрларига оид кадриятлардан самарали фойдаланган. Шу боис шоир асарларида XV аср Ўзбек фольклоршунослигининг жанрлар тизимига доир афсона, қисса, ривоят, эртак, ҳикоят, дoston, улуг ир, аёлғу, қўшиқ, суруд, ўзмоғ, чанг, чанга сингари терминлар кўп қўлланилган.

Шоир XV аср ўзбек маросим фольклорида чанга деб аталган қўшиқ термини мавжудлиги хусусида куйидаги қимматли маълумотни баён қилган: “яна чангидурким, турк улуси зуфоф ва киз кўчурув тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурум, мунсариҳи матвийи мавқув баҳридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўмиға мазкур қилурлар¹⁰”.

Алишер Навоий асарларида ровий, ривоятчи, қиссагўй, қиссахон, қиссапардоз, гўянда, йиров, ўзон каби фольклор ижрочилари номини билдирувчи терминлар ҳам келтирилган¹¹. Бу маълумотлар Ўзбек фольклоршунослиги терминологиясининг тарихий асослари ва тараққиёти чуқур илдизга эга эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбек фольклоршунослиги тарихида “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурмома” асарида келтирилган ривоятлар, Гулханийнинг “Зарбулмасал”ига киритилган халқ мақоллари ва нақллар, Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чиғатойи ва туркий усмоний” асарида сўзлар мағзини изоҳлаш мақсадида келтирилган халқ қўшиқларининг парчалари, Муқимийнинг халқ оғзаки бадиий ижодидаги қўшиқлар услубида ёзган “Саёҳатнома” асари ҳам муҳим ўрин тутишини қайд этиш керак бўлади”¹².

Ўзбек фольклоршунослигида терминология кеча ёки бугун вужудга келмагани аниқ. Соҳа терминологияси асрлар давомида шаклланиб борган. Жумладан, оғзаки адабиётнинг энг қадимий жанрларидан бўлган биргина “қўшиқ” термини ўзининг чуқур лингвистик-бадиий тарихига эгадир.

¹⁰ Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Ўн беш томлик. – Тошкент, 1967. – Б.180.

¹¹ Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. – Тошкент, 2018. – Б.13

¹² Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. – Тошкент, 2018. – Б.13

“Қўшиқ” терминининг илмий истилоҳ ҳолатига келтирилганлигига жуда кўп асрлар бўлган. Зеро, у кенг маънода халқ поэзиясини англатган, тор маънода халқ лирикаси шаклини – жанрини ифодалайди. Бу ҳолатни қорақалпоқ, озарбайжон ва уйғур фольклорида бўлганидек, тожик фольклорида ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, тожикча “суруд”, қорақалпоқча “қўсиқ”, озарбайжонча “қўшма” ва уйғурча “қўшоқ” истилоҳлари шундай эстетик моҳиятга эга.

М.Кошғарийнинг “Девони луғатит-турк” асарида шундай тўртлик бор:

Туркан қатун қутёға,
Тергур менден қошёғ
Ажғул сизни табуғчи,
Отнур жақи табуго.

Мазмуни:

Туркан хотун қошиға,
Мендан еткур шеър.
Хизматга ходимингиз
Рост, деб паём бер¹³.

Бу академик А.Қаюмовнинг шеърий табдили. Чиндан-да, “қошиғ” сўзи дастлаб “мақтов, алқов” маъносида қўлланган. Шуниси эътиборлики, бу истилоҳ Юсуф хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асарида фонетик ўзгаришга учраган ҳолда “Қошуг” шаклини олган бўлса¹⁴, Хоразмийда “Қўш” шаклини олган. Чунончи, Юсуф хос Ҳожибда:

Bu türkçä qoşuylar tüzättim saña (QVK, 7¹⁵).

Мазмуни:

Бу туркча қўшиқларни сен учун туздим (ёздим),
Хоразмийда:

Кел, ей ой юзли дилбар, тут бир қўш,
Бирор қўш бирла қилгил бизни мадхуш.

Бу байтда “Қўш” сўзи шеър битиш, яратиш маъносидадир¹⁵.

Замахшарий “Муқаддимат ул-адаб” арабча-форсча-туркча-мўғулча тўрт тилли луғатида арабча “шеър” истилоҳи туркийда “Қўшиқ” дейилишини изоҳлаб, унга “-чи” қўшимчасини қўшиб ясалган “Қўшиқчи” сўзи моҳиятан “шоир” терминига эквивалент эканлигини шундай таъкидлайди: “Шеър кўтоҳ гуфт шоир – қисқа қўшиқ айтди қўшиқчи”. Алишер Навоий ҳам “Мезон ул-авзон” асарида “Қўшиқ”

¹³ Кошғарий М. Девони луғатит-турк. 3-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.

¹⁴ Адиб qoşuv – қўшиқ терминини шеър, дoston маъноларида қўллайди.

¹⁵ Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. T – 2010. Musiqa. – B. 370.

истилоҳини “поэзия” маъносида қўллаб, айтиш чоғда булар халқ поэзиясининг ички шакллари сифатида учрашини таъкидлайди. Бобур ҳам “Рисолаи аруз”да бунини тасдиқлаб ёзади: “Султон Ҳусайн Мирза замонида яна бир суруд чиқти ким “Туркий”га ўқ мавсум бўлди. Алишер Навоий ва Бобурлар замонидан эътиборан қўшиқнинг ички жанрларини фарқлаш тамойилга айлана борган. Умуман, қўшиқ термини туркий “Қўшмоқ” феъли ўзагидан ясалган бўлиб, сатрга сатрни қўшиб айтиш ва қўйлаш маъноларини англатади¹⁶. Кейинги даврларда ҳам ўзбек фольклоршунослиги терминологияси яратилган турли илмий-бадиий асарлар орқали бойиб борди.

Адабиётлар:

1. O'zbek xalq og'zaki ijodi. O.Safarov. – Toshkent, 2010. Musiqa. – B.370.
2. Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. T – 2010. Musiqa. – B. 370.
3. Адиб қошуш – қўшиқ терминини шеър, дoston маъноларида қўллайди.
4. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Ўн беш томлик. – Тошкент, 1967. – Б.180.
5. Зарифов Ҳ. “Девони луғати-т-турк” лексикасининг ўзбек фольклорига кўринишига доир (тезислар) // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.96.
6. Кошғарий М. Девони луғати-т-турк. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.44.
7. Кошғарий М. Девони луғати-т-турк. 2-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.410.
8. Кошғарий М. Девони луғати-т-турк. 3-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.8.
9. Кошғарий М. Девони луғатит-турк. 3-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.
10. Кошғарий М. Девони луғот-ит турк. 2-том / Маҳмуд Кошғарий. – Тошкент: Фан, 1960. – 410 б
11. Кошғарий Маҳмуд. Девони луғот-ит турк. 1-том/ Маҳмуд Кошғарий. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 44.
12. Кошғарий Маҳмуд. Девони луғот-ит турк. 2-том / Маҳмуд Кошғарий. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 8 .
13. Лиморенко Ю.В. Жанровые границы и жанровые признаки сказочной прозы народов Сибири / Ю.В. Лиморенко // Основные тенденции развития алтаистики в изменяющихся мировоззренческих условиях: Материалы Междунар. науч.-практ. конф., посвященной 1150-летию российской государственности, 90-летию Ойротской авт. обл., 60-летию научно-иссл. Ин-та алтаистики им. С.С. Суразакова. Горно-Алтайск: Медиа Принт, 2012. – С. 116–120.

¹⁶ O'zbek xalq og'zaki ijodi. O.Safarov. – Toshkent, 2010. Musiqa. – B.370.

14. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Конимех-Мирзокуш / таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва бошқ. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – 704 б.

15. Эшонкулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. – Тошкент, 2018. – Б.12

16. Эшонкулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. – Тошкент, 2018. – Б.13

17. Эшонкулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. – Тошкент, 2018. – Б.13

18. Юлдашев И.Ж. Навоий талқинида китобатчилик атамалари / И. Ж . Юлдашев // Тил ва адабиёт таълими. – 2003. – № 1. – Б. 87–90.